


Toshkent shahar hokimining  
2020 yil 18-dekabrda  
1184-sonli qaroriga asosan

**TASDIQLAYMAN**  
**J. Artixodjaev**



**«TOSHKENT SHAHAR HOKIMLIGI HUZURIDAGI  
MAXSUSTRANS ISHLAB CHIQRISH BOSHQARMASI»  
davlat unitar korxonasi**

**U S T A V I**

(yangi tahrirda)

## 1. Умумий қоидалар

1.1. “Toshkent shahar hokimligi huzuridagi Maxsustrans Ishlab chiqarish boshqarmasi” davlat unitar korxonasi (кейинги ўринларда «Бошқарма» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15-декабрдаги “Тошкент шаҳрида маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4925-сонли қарорига мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимлиги тизимига ўтказилган бўлиб, олдинги тахрирда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги «MAXSUSTRANS–Ishlab chiqarish boshqarmasi» davlat unitar korxonasi нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15-декабрдаги “Тошкент шаҳрида маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4925-сонли қарорига асосан “Чиқиндиларни қайта юклаш ва утилизация қилиш” давлат корхонаси “Maxsustrans Ishlab Chiqarish Boshqarmasi” давлат унитар корхонасига қўшиб юборилганлиги сабабли “Чиқиндиларни қайта юклаш ва утилизация қилиш” давлат корхонасининг ҳуқуқий вориси “Maxsustrans Ishlab Chiqarish Boshqarmasi” давлат унитар корхонаси ҳисобланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Махсушлаштирилган транспорт “Maxsustrans” Ишлаб чиқариш бошқармаси – давлат корхонаси” Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитасининг 1988 йил 6-декабрдаги 567/24-сонли қарори асосида таъсис этилган.

1.2. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-октябрдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат корхоналари тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Бошқарма юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, рамзи, штамплари ва бланкларга, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг фирма номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

Бошқарма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.4. Бошқарманинг фирма тўлиқ ва қисқартирилган номи:

давлат тилида: “Toshkent shahar hokimligi huzuridagi Maxsustrans Ishlab chiqarish boshqarmasi” davlat unitar korxonasi;

қисқача номи: «MAXSUSTRANS» IChB DUK;

рус тилида: Государственное унитарное предприятие «Производственное управление МАХСУСТРАНС при хокимияте города Ташкент»;

рус тилида қисқача номи: ГУП ПУ «МАХСУСТРАНС».

1.5. Бошқарма жойлашган манзили (почта манзили): **Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, «Бекобод» саноат зонаси, индекс – 100132.**

1.6. Бошқарманинг муассиси: **Тошкент шаҳар ҳокимлиги (кейинги ўринларда «муассис» деб юритилади).**

1.7. Бошқарма муассис розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат ташкилотлари, шунингдек уларда юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотлар қатнашчиси (аъзоси) бўлиши мумкин.

Бошқарма давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар корхоналари фаолиятнинг лицензияланадиган турларини, фаолиятнинг ушбу турларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда, тегишли лицензия олмасдан амалга оширишга ҳақлидирлар.

## **II. Бошқарма фаолиятининг предмети ва мақсадлари**

2.1. Фойда олиш, муассиснинг топшириқларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, шунингдек ушбу уставда кўрсатилган бошқа ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш Бошқарма фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

2.2. Қуйидагилар Бошқарма фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:  
юридик ва жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда “Истеъмолчилар” ва (ёки) “Буюртмачилар” деб аталади) санитария ва экологик талабларга мувофиқ маиший, қурилиш ва саноат чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича пуллик хизматлар кўрсатиш;

Бошқармага хизмат кўрсатаётган ҳудуддаги аҳоли яшаш пунктлари ва бошқа объектларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш бўйича санитар тозалаш ишларини ташкиллаштириш;

маиший, қурилиш ва саноат чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш, қайта ишлаш, утилизация ва реализация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш тизимини ташкиллаштириш;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларини бошқариш, транспорт воситаларини мақсадли ва санитария ҳамда экологик талабларга мувофиқ тасарруф этиш;

ишлаб-чиқариш экологик назоратини амалга ошириш;

сараланган чиқиндиларни алоҳида олиб чиқиш ва уларни қайта ишлашни йўлга қўйиш;

чиқиндиларни сараланган ҳолда йиғганлик учун Истеъмолчи ва (ёки) Буюртмачиларни моддий рағбатлантириш амалиётини татбиқ этиш;

Истеъмолчи ва (ёки) Буюртмачиларни сараланган чиқиндиларни олиб чиқиш режа-жадвали билан таъминлаш, чиқиндиларни саралаб йиғиш тартиб-қоидалари, ўрнатилган рағбатлантириш механизмлари ва қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида уларнинг хабардорлигини ошириш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш.

2.3. Бошқарма ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун, қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

**а) юридик ва жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” ва (ёки) “Буюртмачилар” деб аталади) санитария ва экологик талабларга мувофиқ, маиший, чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасида:**

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан Истеъмолчилар билан шартномалар тузиш;

маиший, қурилиш ва саноат чиқиндиларини қабул қилиш, қайта юклаш, ташиш ва кўмиш хизматларини кўрсатиш бўйича Буюртмачилар билан шартномалар тузиш;

Буюртмачилардан чиқиндиларини қабул қилиш, қайта юклаш, ташиш ва кўмиш бўйича қонун ҳужжатлари ва Буюртмачилар билан келишилган шартлар асосида шартномалар тузиш, зарур сифатдаги хизматлар кўрсатиш;

Истеъмолчиларга қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича қонун ҳужжатларида ва Истеъмолчилар билан тузилган шартномаларда белгиланган талабларга мувофиқ, зарур сифатдаги хизматлар кўрсатиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда Истеъмолчилардан буюртмалар қабул қилиш ва кўшимча транспорт хизматларини кўрсатиш;

маиший, қурилиш ва саноат чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов тарифларини ишлаб чиқиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқлатиш.

**б) Бошқарма хизмат кўрсатаётган ҳудуддаги аҳоли яшаш пунктлари ва бошқа объектларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш бўйича санитар тозалаш ишларини ташкиллаштириш соҳасида:**

маиший, қурилиш ва саноат чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг оптимал йўналиш схемаларини ва жадвалларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда келишиш;

аҳолининг ҳаёти, саломатлиги, шунингдек атроф муҳит учун хавфли бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига, чиқиндиларнинг қўплаб тўпланиб қолишига қарши режали ишларни олиб бориш;

чиқиндиларни қабул қилиш, қайта юклаш объектларида қатновда бўлган Буюртмачиларнинг транспорт воситаларини эркин ҳаракатланиши учун шароит яратиб бериш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш.

**в) маиший, қурилиш ва саноат чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича ишларни амалга ошириш, утилизация ҳамда реализация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш тизимини ташкиллаштириш соҳасида:**

маиший, қурилиш ва саноат чиқиндиларни саралаш ҳамда утилизация қилиш технологияларини татбиқ этиш;

чиқиндиларни максимал утилизация қилиш, сотиш ёки уларни тўплаш, сақлаш ва утилизация қилиш билан шуғулланувчи бошқа юридик ва жисмоний шахсларга топшириш учун комплекс чораларни амалга ошириш, шунингдек утилизация қилинмайдиган чиқиндиларни экологик жиҳатдан хавфсиз тарзда кўмилишини таъминлаш;

маиший, қурилиш ва саноат чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисоб варақаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

Истеъмолчиларнинг маълумотлар базасини юритиш ва доимий тарзда янгилаб бориш.

г) чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларини бошқариш, транспорт воситаларини мақсадли ва санитария ҳамда экологик талабларга мувофиқ тасарруф этиш соҳасида:

зарур миқдордаги чиқинди тўплаш шохобчаларини куриш ва уларни контейнерлар билан таъминлаш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишлар бўйича замонавий технологилардан фойдаланиш ва амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўриш;

чиқиндиларни санитария нормалари, қоидалари ва экологик талабларга мувофиқ чиқиндиларни жойлаштириш объектларида сақлаш;

ресурс қийматига эга бўлган ва утилизация қилиниши лозим бўлган чиқиндиларни тўпланишини, лозим даражада сақланишини таъминлашга ҳамда уларнинг йўқ қилиниши ва бузилишига қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектлари ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда бўлишини таъминлаш;

чиқиндиларни мумкин қадар кўпроқ утилизация қилиш, уларни, чиқинди тўплаш, сақлаш ва утилизация қилиш билан шуғулланувчи, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга сотиш ёки бериш учун комплекс чораларини амалга ошириш, шунингдек утилизация қилинмайдиган чиқиндиларни экологик норматив ҳужжатларга мувофиқ ҳавфсиз тарзда кўмилишини таъминлаш;

чиқинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда бўлишини таъминлаш;

бириктирилган ҳудуд ва транспорт воситаларининг лозим даражадаги санитария ҳолатини таъминлаш;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларининг қувватидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадоригини ошириш;

автотранспорт воситалари ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш.

**д) ишлаб-чиқариш экологик назоратини амалга ошириш соҳасида:**

ишлаб-чиқариш экологик назорати соҳасидаги ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

2.4. Бошқарма фаолиятнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турларини амалга ошириши мумкин.

### **III. Бошқарма фаолиятини бошқариш**

3.1. Бошқарма ўз фаолиятида қонун талабларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек ушбу Уставга амал қилади.

3.2. Бошқарма муассисга ҳисобот беради.

3.3. Муассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

Бошқармани қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Бошқарма мулкига оид битимларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

Бошқарманинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкани олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасига Бошқармани хусусийлаштириш ёки давлат тасарруфидан чиқариш бўйича таклифлар киритиш;

Бошқармага етказилган зарарларни ундириш тўғрисида давлат корхонаси раҳбарига нисбатан даъво тақдим этиш;

молиявий йил якунлангач олти ойдан кеч бўлмаган муддатда тақсимланадиган Бошқарма соф фойдасини, таъсисчининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтиришни назарда тутиш керак.

#### 3.4. Муассис қуйидагиларга мажбур:

Бошқарма Бошлиғини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ у билан меҳнат шартномасини тузиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори талабларига мувофиқ ташкилотнинг кейинги йил учун бизнес-режаси ҳар йили 1 декабр гача тасдиқланади ва унинг бажарилиши тўғрисида ташкилотнинг ижро этувчи органи ҳисоботи ҳар чоракда эшитиб борилади;

бозор қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг минг баравари миқдоридан ошадиган мол-мулкни, “Давлат корхоналари тўғрисида”ги Низомнинг 17-бандига мувофиқ мулкни тасарруф этиш учун Бошқарманинг ижро этувчи органига рухсатномалар бериш тўғрисидаги қарорни тегишли равишда Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишиш;

Бошқармага берилган давлат мулкidan мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш;

Бошқарманинг йиллик йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказиш ва давлат бюджетига ажратмаларни соф фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан 60 кундан кечиктирмай тўлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 215-сонли қарори талабларига мувофиқ 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда, ички аудит хизматини ташкил этиш.

## IV. Бошқарма устав фондининг миқдори

4.1. Бошқарманинг устав фонди ўзида молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун унга муассис томонидан берилган мол-мулк ва бошқа активларни ифодалайди.

4.2. Бошқарма устав фондининг миқдори **4 166 427 134** (тўрт миллиард бир юз олти миш олти миллион тўрт юз йигирма етти минг бир юз ўттиз тўрт) сўм 68 тийинни ташкил этади.

4.3. Бошқарманинг устав фондини кўпайтириш ва камайитириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, муассиснинг қарори бўйича амалга оширилади.

## **V. Бошқарманинг мол-мулкани тасарруф этиш**

5.1. Бошқарманинг мулки:

муассис томонидан Бошқармага тезкор бошқариш ҳуқуқи билан биркитилган мулк;

Бошқарманинг ўз фаолиятдан олинган даромадлари, шунингдек, давлат корхоналарининг бошқа жамият устав фондидаги улуши бўйича дивиденд;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

Бошқарма мулки ва қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттирилади.

5.2. Бошқарманинг мулки бўлинмас мулк ҳисобланади ва қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан давлат корхонаси ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

5.3. Бошқарма мулкани тасарруф этиш куйидаги ҳолларда давлат корхонасининг ижро этувчи органи томонидан муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага топшириш;

хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;

мулкни Бошқарма фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

Бунда бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) сотиш Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади.

Бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) сотишдан тушган маблағлар, уларни сотиб олиш манбаларидан қатъий назар, давлат мулкани хусусийлаштиришдан олинган маблағлар тарзида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тақсимланади.

## **VI. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби**

6.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига барча солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан, шунингдек, Бошқарманинг соф фойдасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва муассисга ажратмалардан кейин, қоладиган соф фойда корхона ихтиёрида қолади ва ундан муассиснинг қарорига биноан фойдаланилади.

6.2. Бошқарма ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига корхона уставига назарда тутилган тартибда ва муассис томонидан тасдиқланадиган миқдорларда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

## **VII. Бошқарма бошлиғининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

7.1. Бошқарма бошлиғи Бошқарманинг яқка ижро этувчи органи ҳисобланади ва олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, корхона номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди,

Бошқарма номидан битишувларни белгиланган тартибда амалга оширади, ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтатади, буйруқлар чиқаради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

Бошқарма ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг иш ҳақи миқдорлари бошлиқ томонидан муассис билан келишган ҳолда тасдиқланади.

7.2. Бошқарма бошлиғи муассис олдида корхона уставида белгиланган тартибда корхона фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

7.3. Бошқарма бошлиғи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда давлат корхонаси манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши керак ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан корхонага берилган давлат мулки йўқолган тақдирда давлат корхонасига етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

### **VIII. Ҳисоботларни тузиш тартиби**

8.1. Бошқарма ҳисобот даври тамом бўлгандан кейин рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг давлат томонидан сақлаш учун белгиланган тартибда берилиши учун жавоб беради.

8.2. Хўжалик юритувчи субъект сифатида Бошқарма фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

### **IX. Бошқарманинг жавобгарлиги**

9.1. Бошқарма ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Бошқарманинг мулки етарли бўлмаган тақдирда муассис Бошқарманинг мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради.

9.2. Бошқарма муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

### **X. Бошқарма филиаллари ва ваколатхоналари**

10.1. Бошқарма муассис билан келишув бўйича, қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.

Филиал ёки ваколатхона ташкил этилгандан кейин бир ҳафта муддатда давлат корхонаси бу тўғрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат активларини бошқариш агентлигини (унинг ҳудудий органини) хабардор қилиши шарт.

10.2. Бошқарманинг филиаллари ва ваколатхоналари уларни ташкил этган номидан ва томонидан тасдиқланган низомлар асосида фаолият кўрсатади ва уни ташкил этган мулкка эга бўлади.

10.3. Бошқарма филиали ёки ваколатхонаси раҳбари Бошқарманинг бошлиғи томонидан муассис билан келишган ҳолда тайинланади ва унинг ишончномаси асосида фаолият кўрсатади. Филиал ёки ваколатхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси тўхталган тақдирда ишончнома Бошқарма бошлиғи томонидан бекор қилиниши керак.

## **XI. Бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш**

11.1. Бошқарма муассис қарорига кўра, тегишли равишда Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

**Бошқарма бошлиғи**



**Р.М.Қаршиев**

**Юридик бўлим бошлиғи**



**В.Ли**

